



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

o'zbek тили  
va адабиёти

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган.

Бир йилда олти марта чиқади.

**2**  

---

**2022**

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент – 2022

*Бош муҳаррир:*

Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Мақсуд АСАДОВ  
Раҳматулла БАРАКАЕВ  
Ғулом ИСМОИЛОВ  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ  
Сувон МЕЛИ  
Ёрқинжон ОДИЛОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб)  
Гулчехра РИХСИЕВА  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Боқижон ТҮХЛИЕВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Алмаз УЛВИЙ  
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ  
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Улугбек ҲАМДАМОВ  
Хайрулла ҲАМИДОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шаҳрисабз топ қўчаси, 5-уй  
Телефон: (71) 233-71-44  
E-mail: [jurnal\\_uzlit@mail.ru](mailto:jurnal_uzlit@mail.ru)

Ўзбек тили ва адабиёти  
№ 2, 2022

Мухаррир: Э. Очилов  
Компьютерда саҳифаловчи: Баҳром Ёғду

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
19.10.2021 йилда рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома № 0053

ёнади”<sup>13</sup>. Демак “Шаңарақ” сўзи “чангароқ” деб тўғри таржима қилинган. Аммо, сўзниң қорақалпоқ тилида иккита маъноси бор. Роман матнида бу сўзниң ҳар иккала маъноси қўлланилган.

“Шаңарақча тускен жақыдан сетем алган Бектемир оянып кетми”<sup>14</sup>.

Таржимаси: “Бектемир чангароқча тушган ёруғликни сезиб, уйғониб кетди”<sup>15</sup>.

Мазкур парчада “шаңарақ” сўзининг биринчи маъноси қўлланилган ва уни таржимон ўзбек тилида тўғри бера олган. Аслида, “шаңарақ” ва “чангароқ” сўzlари фонетик жиҳатдан ниҳоятда бир-бирига яқин талаффуз қилинади. Фақат “ш” ва “ч”, “қ”, “з” товушлари хисобига бир-биридан фарқланади. Р.Мусурмон “шаңарақ” сўзига муқобил эквивалент қўллай олган.

Хулоса қилиб айтганда, Р.Мусурмон таржимасида чоп қилинган “Оғабий” романинг ўзбекча нашрида қорақалпоқ халқига хос миллий реалиялар ва миллий рух тўғри англаб, таржима қилинган.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада қорақалпок ёзувчиси Кенгесбой Каримовнинг Рустам Мусурмон таржимасидаги “Оғабий” романидаги миллий реалияларнинг таржимада қайта акс этиши муаммоси ўрганилди.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматривается проблема отражения национальных реалий в переводе романа каракалпакского писателя Кенгесбая Каримова «Агабий» в переводе Рустама Мусурмона.

**RESUME.** The article examines the problem of reflection of national realities in the translation of Karakalpak writer Kengesboy Karimov’s novel «Agabiy» translated by Rustam Musurmon.

**Таянч сўз ва иборалар:** аслият, таржима, таржимон, реалия, маҳорат.

**Ключевые слова и выражения:** оригинал, перевод, переводчик, реалия, мастерство.

**Key words and word expressions:** originality, translation, interpreter, reality, skill.

**Насиба НОРОВА**

### ҲОЗИРГИ ШЕЪРИЯТДАГИ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАҚИДА

XX асрнинг охири ҳамда мустақиллик даври ўзбек шеъриятига жаҳон ва мумтоз адабиёт анъаналари таъсирида янги поэтик шакллар кириб кела бошлиди. Бу бадиий шакллар ижод аҳлининг шаклий-услубий изланишлари натижаси эканлиги шубҳасиз. Жумладан, иккилиқ, учлик каби шеърий шаклларга мурожаат қўпайғанлигини кўришимиз мумкин. Н.Жабборов бу давр шеъриятига хос хусусиятларни кўйидагича тасниф

<sup>13</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашрияти, 2004, 457-бет.

<sup>14</sup> Каримов К. Оғабий. – Нукус: Билим, 2013, 3-бет.

<sup>15</sup> Каримов К. Оғабий. – Тошкент: F.Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2020, 8-бет.

қилади: 1) замонавий мавзуларнинг кўхна арузда ифодалашга интилиш; 2) шеъриятда халқона оҳангларга эҳтиёжнинг ортиши; 3) поэтик шаклдаги янгиланиш; 4) поэтик образдаги янгиланиш<sup>1</sup>.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида поэтик янгиланишлар маҳсули бўлган бир мисрадан иборат шеърлар Анвар Обиджон, Фахриёр, УҲамдам ижодида “бирликлар”, “игнабарглар”, “ирқ битиклар” номи билан, икки қатордан иборат шеърлар С.Сайд, Т.Али. Э.Шукур каби шоирлар ижодида “маснавий”, “фард”, “иккилик” деб номланган бўлса, Анвар Обиджон уларга “фардлар”, ёки “икки қатлар” деб ном берди. Биз объект сифатида танлаган ижодкор Усмон Кўчқор шеърларида эса бу иккиликлар “муқарнас” деб аталди. Учликда ёзилган шеърларни Абдулла Орипов, Эшқобил Шукур, Салим Ашур, Беҳзод Фазлидинлар оддийгина учлик, деб қўя қолган бўлсалар, Анвар Обиджон уларни “Уччанок”, “Учпахса”, Дилшод Ражаб “мусаллас”, Фарида Афрўз “Тасбехлар” деб номлади. Бу қаторни тўрт, беш, олти... мисрали шеърларнинг номланиши билан ҳам давом эттириш мумкин.

Истеъоддли ижодкор Усмон Кўчқор сўнгти йиллар шеъриятида мумтоз адабиётимиздаги сингари икки мисрадан тузилган шеърлар яратиш анъанасини давом эттириб, ўзи яратган янги поэтик шаклга “муқарнас” деб ном берди. “Шарқ меъморчилигига муқарнас деб аталувчи усул бор. Биноларнинг гумбаз ва қуббаларига ушбу усулда ўйма ёки қабариқ қилиб ишланган бир хил шакл, айни ўлчамдаги нақшларида ўзига хос ҳаётий фалсафа ҳам яширинган дейишади. Мумтоз адабиётда бу сўзнинг “осмон”, “кўк гумбази”, “фалак чархи” каби маънолари ҳам бор. Шеъриятимизда иккиликлар ўз жанрига кўра турфа номлар билан аталса-да, мен ўз машқларимни муқарнас деб аташни ҳавас қилдим”<sup>2</sup>, – деб бу ҳақда изоҳ беради шоирнинг ўзи.

Бу таърифдан ҳам қўриш мумкинки, муқарнас – иккилик жанрининг ўзига хос шакли. Шоир ўз муқарнасларидан олдин Алишер Навоий ҳам ғазалларида “муқарнас” сўзини қўллаганини мисол тариқасида келтириб ўтади.

*Эй Навоий, тоқини мен доги ашкимдан йиқай,  
Чу менга қисм этти бу чархи **муқарнас** йиғламоқ (135).*

“Мен тоқни (эшик ва биноларнинг устидаги қош) доғи (яна) ашким (кўз ёшим)дан йиқай, яъни тузай, Чунки чарх (фалак) менга йиғламоқни қисм (қисмат, тақдир) этди”.

Байтнинг мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, Навоий ғазалидаги қўлланган “муқарнас” сўзи “осмон”, “кўк” маъноларини ифодалашга хизмат қилган. (Тоқ – арабча, эшик ва биноларнинг устидаги, баланд қилиб ярми доира шаклида ишланган жой; гумбаз; меҳроб ва токчаларнинг тепасидаги

<sup>1</sup> Ж а б б о р о в Н. Замон.Мезон.Шеърият. – Тошкент: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015, 304-бет.

<sup>2</sup> Кўчқор У. Шеърий драма ва шеърлар. – Тошкент: “Адабиёт”, 2020, 134-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинади, сахифаси кўрсатиб борилади. – Н.Н.

қайрилма қисми. Муқарнас – арабча: бинонинг қатма-қат ўрамли, қабариқли шакллар бериб ишланган, гўзал қубба шаклидаги нақшлари; Тоқи муқарнас – 1) муқарнас билан зийнатланган нақшли гумбаз; 2) осмон, кўк).

У.Кўчкорнинг 2020 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди томонидан нашр эттирилган “Ином Бухорий” шеърий драмаси ва шеърларидан таркиб топган китобидан 43 та (86 мисра) иккилик шаклидаги (муқарнас) шеърлари ўрин олган. Мумтоз адабиётимизда иккилик жанри, яъни фард (*aa*), маснавий (*aa, bb, vv...*) тарзда қофияланади. Бироқ муқарнасларнинг қофияланиши улардан тубдан фарқ қиласди. Яъни муқарнас ўзига хос (*ab*) кўринишида қофияланади. Муқарнасада ҳам фард сингари икки мисрада шоир айтмоқчи бўлган барча фикр, гоя мужассамлаштиришни тақозо этади. Чунончи:

*Кўнглимнинг уйига тўрт девор қўйдим –  
Ишорат, иродат, ибрат, итоат (139).*

Мисраларда метафора, таъкид ва аллитерацияни қўллаб, поэтик тасвирни, яъни кўнгил уйи деворини маҳорат билан изоҳлайди. Бу шундай мустаҳкам деворки, ҳар бир инсоннинг бутун бир тақдирини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Ишорат (*Ишора* – эски, айн, ишора) Оллоҳ ҳар бир нарсадан огоҳ этгувчи, ишора қилгувчи; Иродат (*арабча: қасд, ният, истак*) – сабр, бардош бергувчи; Ибрат (*арабча: панд-насиҳат, намуна, ўрнак*) – кимнингдир, қайсиdir яхши амалидан ўрнак, намуна олдиргувчи; Итоат (*арабча: бўйсунши*) – тақдирнинг хукмига бўйсундирувчи. Шоир назарида, бу тўрт девор мусулмон инсоннинг виждони, имони. Оҳангдорликни таъминлаш мақсадида иккинчи мисрадаги иродат сўзидағи “т” товушига алоҳида эътибор қаратиб, тилшуносликдаги товуш орттирилиши ҳодисасига таянган.

У.Кўчкорнинг динга, тасаввуфга, тарих, адабиётга... оид қизиқишлиари шеърларига кўчган. Масалан, Носириддин Рабгузийнинг “Қисаси Рабгузий” асари таъсирида ёзилган бир нечта муқарнаслари фикримизни далиллайди.

*Қонга-қон, жонга-жон қоришиб кетди.  
Тандирдан нон эмас, сув чиқиб келар.*

Биринчи мисрада Нуҳ қавмини кечаю қундуз мусулмон бўлишга даъват қилгани, бироқ унинг чақириклари нафралтарга дучор бўлиб, маломатга қолганлиги “қонга-қон, жонга-жон” биримасида намоён бўлади. Нуҳ пайғамбар: “Тўфон ваъдаси қачон бўлур”, – деганларида: “Қачонки тандирнинг ичидан сув чиқса, балки азоб келган турур”<sup>3</sup>, – деган овоз келади. Ўзлари эккан дараҳтдан ясаган кема битганда, кофир хотинлари

<sup>3</sup> Бурхонуддин Рабгузий. Қисаси Рабгузий (Нашрга тайёрловчи Б.Абдушукоров). – Тошкент: “Ёшлар нашриёт уйи”, 2018, 47-бет

нон ёпиб турган пайт тандирда ёнган чўғнинг ичидан сув отилиб чиқади, шундан сўнг ҳамма жойдан сув чиқа бошлайди – иккинчи мисра ана шу Нух тўфонига ишора.

Кейинги муқарнас ҳам бевосита шу қиссанинг мазманий давоми:

*Уҳ, мени кемангга олгин, уҳ мени,  
Ботиб бораётир ерга оёғим (139).*

Нух пайгамбарнинг тўртта ўғли бўлиб, улардан учтаси (Сом, Ҳом, Ёфас) мусулмон эди, биттаси (Канъон) эса кофир эди. Нух пайгамбар: “Эй Канъон кемага кир, мусулмон бўл, тўфон суви ҳалок қилгувси”<sup>4</sup>, – деганида: “Мен баланд тоғларга сифинаман!” – деб бўйсунмайди. Тўфон суви тоғнинг энг баланд чўққисига чиққанда дастлаб Канъоннинг ўғлини, кейин эса ўзини ҳам ғарқ қиласди.

*Ювсайдим, қувсайдим улуг кунгача  
Бугдойдан бошланган гуноҳларимни (138).*

Ушбу иккилик ҳам бевосита шу асаддаги ҳаммага яхши таниш “Одам алайҳиссалом” қиссанини ёдга солади. Биринчи мисрадаги улуғ кун – Қиёмат. Буғдойдан бошланган можаро орқали Одам Ато билан Момо Ҳавонинг жаннатдан ҳайдалиш воқеасига ишора қилинмоқда. Гуноҳкор бўлиш Одам Атодан бошланиб, ҳалигача давом этаётганлигини, ҳар бир инсон боқий дунёга риҳлат қилгунга қадар гуноҳларини ювишни исташини таъкидлайди. Мазкур мисралар шоирнинг вафотига яқин бир даврда ёзилганлиги, автобиографик ҳарактерга эга эканлиги билан ажralиб туради.

Гуноҳлардан фориғ бўлишнинг яккаю ягона йўли бу – тавба. Буни кейинги муқарнаснинг мазмани ҳам айтиб турибди.

*Ошиқдан ошиқроқ ошиқмоқдаман,  
Эшигин беркитмай турсайди Тавба (139).*

Шоирнинг маҳорати шундаки, сўзларни бир-бирига маржон каби тизиб, мазмуннинг салмоғини оширган. Мисрадаги 1) ошиқ (от) – маҳбуб, севувчи; 2) ошиқ (равиш) – ортиқроқ, кўпроқ; 3) ошиқ (феъл) – ошиқиши. У тавба қилишга шу қадар ошиқмоқдаки, худди севгилисини кўришга муштоқ ошиқдан ҳам кўпроқ. Энди аразчи ёрга ўхшаб, тавба ҳам эшигин беркитмай турсин. Ўзакдош сўзларнинг дастлабки мисрада қўлланилиши иштиқоқ санъатини, оҳангдошлиқ эса аллитерацияни шакллантирган.

Икки мисралик шеърда шоирнинг ўзига хос индивидуал услуби, сўз қўллаш ва бадиий санъатлардан усталик билан фойдаланиш маҳорати яққол намоён бўлган.

<sup>4</sup> Ўша асар, 32-бет.

*Кўй энди, юракнинг ёнмоги гумон,  
Руҳ учди, қолган бу вужуд – куйинди(140).*

“Руҳиз тан“ биримасини вафот этган кишига нисбатан қўллаймиз. Вужуд руҳиз қолдими, энди юракнинг уриши, ёниши амримаҳол. Шу икки мисрада истиора ва тажнис санъатини қўллаб, таъсирни кучайтирган.

*Қаёнда эдинг сен, қай онда эдинг  
Эй менинг пинҳоним, аёним менинг (140).*

Шаклдош сўзлар тажнисни, иккинчи мисрадаги *пинҳон* – аён сўзлари тазод бадиий санъатини юзага келтирган.

Демак, юқоридаги таҳлиллар шуну кўрсатадики, муқарнас ўзига хос (*аб*) қофияланадиган, фард сингари шоир айтмоқчи бўлган барча фикр, ғояни қисқаликда ифодалайдиган шеърий шакл. Унинг луғавий маъносидан келиб чиқадиган бўлсақ, бинонинг гўзал қубба шаклидаги нақшлари – шоир ижодидаги қабарив турадиган гўзал нақшлар билан безанганд шеърий сатрлардир.

Замонавий адабиётимиздаги иккилик шаклидаги шоир муқарнаслари мумтоз адабиётимиздаги фард ва маснавийлар таъсирида шаклланган бўлиб, бармоқда ёзилганлиги, қофияланишининг ўзига хослиги билан фарқлансада, ихчамлиги, соддалиги, ҳаётий-фалсафий, ахлоқий қарашларни ифода этганлиги туфайли ўзига хослик касб этади. У.Кўчқор ижодидаги муқарнаслар ўқувчининг ҳаётий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маиший қарашларини бойитишга хизмат қилиши билан эътиборга лойик.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада истеъодли шоир Усмон Кўчқор ижодидаги поэтик янгиланишлар, шаклий-услубий ўзига хосликлар ҳакида фикр юритилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье речь идет о поэтических новациях и формально-стилистических особенностях в творчестве талантливого поэта Усмана Кучкара.

**RESUME.** The article discusses the poetic innovations, formal and stylistic peculiarities in the work of the talented poet Usman Kuchkar.

**Таянч сўз ва иборалар:** поэтик шакл, фард, маснавий, муқарнас, маҳорат, гоя.

**Ключевые слова и выражения:** поэтическая форма, фард, маснави, мукарнас, мастерство, идея.

**Key words and word expressions:** poetic form, individual, masnavi, mukarnas, skill, idea.

## **CONTENT**

### **Linguistics**

Y.Odilov. Language policy: state language, official language and national languages . . . . .	3
G.Rozikova, M.Burkhanova. Emotional properties of nonverbal means . . . . .	10

### **Literature studies**

I.Adizova. The poetic mastery of Zahiriddin Muhammad Babur . . . . .	18
S.Meli. The phenomenon of Faxriyor . . . . .	24
U.Khamdamov. The process of rhythm exchange in poetry . . . . .	33
M.Otajanova. Myth as the basis of literary thinking . . . . .	36

### **Scientific information**

N.Sabirova. The first sources of Khorezm khalfa . . . . .	44
Sh.Amonov. Textual characteristics of Tabibi tarjebands . . . . .	48
B. Abdurakhmonova. The art of talmeh in “Qutadgu bilig” . . . . .	52
D.Rustamova. Individual genre in Navoi’s work . . . . .	57
O.Hamroeva. Radif and hajib research in classical poetics . . . . .	60
M.Mansurova. An literary interpretation of the image of Fitrat in the story . . . . .	65
B.Shukurova. The manifestation of an aesthetic ideal in the story . . . . .	70
V.Akhmedova. The pictorial subject of Usmon Azim’s dramaturgy . . . . .	74
G.Atadjanov. Representation of national realities in literary translation . . . . .	77
N.Norova. About poetic renewals in contemporary poetry . . . . .	81
T.Dusanova. The artistic styles in the “Mahbub ul-qulub” . . . . .	86
A.Hasanov. Lexical gaps in language and problems of filling them . . . . .	89
M.Sabirova. Expression of connotation in the newspaper text . . . . .	97
K.Yusupova. Linguistic roots of advertising inscriptions in ancient Turkic written monuments . . . . .	101
O.Khojamuradova. Linguopoetic features of the flower lexeme in poetry . . . . .	107
J.Yunusova. Linguopoetic features of synonyms in the poems of Shavkat Rahmon . . . . .	112
Kh.Babajanova. Semantic change of Arabicisms in Uzbek language . . . . .	116
Sh.Alimova. Speeches on the study of the Kipchak ethnonym in the journal “Shuro” . . . . .	122

### **Criticism. Review. Bibliography**

Kh.Jabborov. Encyclopedic Dictionary of Ethnological Terms . . . . .	127
--	-----

### **Scientific life**

Hamdam Abdullaev . . . . .	130
----------------------------	-----